


**ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ**

**Ҳижрий ва милодий  
йилларни ўзаро табдил  
қилиш усуллари**

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

Ҳижрий ва милодий  
йилларни ўзаро табдил  
қилиш усуллари



Тошкент – 2019

УЎК 819  
КБК 22.61  
С60

**Сирожиддинов, Шуҳрат**

Ҳижрий ва милодий ўзаро таъдил қилиш усуллари [Матн] /  
Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019, p – 136 б.

ISBN 978-9943-6017-0-3

Мазкур қўлланмада ҳижрий ва милодий йил ҳисобларини ўзаро таъдил қилиш усуллари жаҳон шарқшуноелиги таърибасига суянган ҳолда ишлаб чиқилган. Илова этилаётган жадваллар ҳижрий ва милодий йилларнинг ой, кунигача бўлган аниқликдаги ўзаро мувофиқлик даражасини белгилашда кафолатли кўрсаткич вазифасини ўтайди.

Қўлланма филологлар, шарқшунослар, маънашунос-матншунослар, шунингдек, олий ўқув юрталари талабалари, магистрант ва докторантларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-6017-0-3

© Ш.Сирожиддинов,  
© "Muharrir nashriyoti",  
"Business print plus" МЧЖ.  
Тошкент, 2019



# МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
<b>Умумий маълумот</b>	
Таквимлар ва ойларнинг яратилиши.....	9
Милодий йил ҳақида маълумот.....	11
Ҳижрий йил ҳақида маълумот.....	12
Ҳижрий қамарий йил ҳисоби ҳақида маълумот.....	12
Ҳижрий шамсий йил ҳисоби ҳақида маълумот.....	13
Ҳижрий йил ойлари тартиби.....	13
Мусулмонларнинг муқаддас кунлари ва байрамлари.....	14
Милодий йил ойлари ҳақида маълумот.....	15
Ҳижрий шамсий-қамарий ва милодий йил ҳисобларининг фарқли томонлари.....	15
Ҳижрий йилни милодийга табдил қилишнинг оддий формулалари..	17
Милодийни ҳижрийга айлантиришнинг оддий формулалари.....	18

## **Ҳижрий йил ҳисобларини йил, ой ва кун аниқлигида милодийга табдил қилиш**

Ҳижрийни милодийга айлантиришда йилни аниқ белгилаш.....	21
Ҳижрийдан милодий йилга айлантиришда ойни аниқлаш.....	23
Ҳижрийдан милодий йилга айлантиришда сана ва ҳафта кунини аниқлаш.....	24
Ҳижрийни милодийга айлантиришда кабиса йилига тўғри келиб қолса нима қилмоқ керак?.....	28

## **Милодий йил ҳисобларини йил, ой ва кун аниқлигида ҳижрийга табдил қилиш**

Милодий йилдан ҳижрий йилга айлантиришда йилни белгилаш.....	32
Милодийдан ҳижрийга айлантиришда ой ва кунларни аниқ белгилаш.....	33

## **Жадваллар**

1-жадвал. Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари.....	38
2-жадвал. Ҳижрий йил ойлари.....	84



3-жадвал. Милодий йил ойлари.....	88
4-жадвал. Милодий йил ҳафталарда.....	92

### **Ҳижрий-милодий тақвимларини таъдил қилиш қиссий жадваллари ҳақида**

В. В. Цибульский жадвали.....	106
Цибульский жадвалидан фойдаланиш тартиби.....	106
Г. Д. Мамедбейли жадваллари.....	110
Милодийни ҳижрийга айлантириш.....	110
Ҳижрийни милодийга айлантириш.....	115
Г. Фриман Гринвил жадваллари.....	119
Ҳижридан милодийга айлантириш.....	119
Милодийдан ҳижрийга айлантириш.....	129
<b>Адабиётлар.....</b>	<b>131</b>

## КИРИШ

Кўлёмалар халқ тарихи, маданияти, адабиёти, тилини ўрганиш, тараққиёт тарихининг қоронғи саҳифаларига аниқлик киритиш учун бой ашёвий далиллар берувчи бирдан-бир ишончли манба, ҳужжатдир. Ўзбек халқи ислом маданиятининг турли босқичларига оид кўплаб ёзма ёдгорликларнинг ворисидир. Бебаҳо меросимиз бўлган кўлёмма манбалар, расмий ҳужжатлар дунёнинг йирик кутубхоналари, кўлёмма фондлари, тарих музейларида сақланиш билан бирга, айна чоғда, халқимиз кўлида ҳам сақланиб келмоқда.

Кўлёмаларнинг барчаси араб графикасига асосланган эски ёзувда битилган. Деярли минг йиллик даврга оид тарихий, адабий, илмий адабиётлар бизга мана шу ёзув орқали етиб келган. Уларни ўқий оладиган, таҳлил ва шарҳ қилишни уddалай оладиган мутахассислар саноклигича қолмоқда. Ёзма ёдгорликларнинг оз қисми кекса авлодга мансуб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Нашр этилган қисми ҳам вақт ўтиши, адади камлиги сабабли аллақачон камёб, библиографик нодир нусхаларга айланиб улгурди. Бугунги кунда кўпчилик улардан бебаҳра.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор матншунослик, манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих соҳаларида илмий ишларни олиб бориш, кўлёмалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш мутахассисларни асосида мақсадли тайёрлаш учун катта имконият

эшикларини очди. Тошкент давлат шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Тошкент халқаро ислом академиясида манбашунос-матншунос мутахассислар тайёрлаш ишлари янада жонланди. Шу билан бирга, халқимиз орасида эски ўзбек ёзуви, араб ва форс тилларини биладиган маърифатли инсонлар ҳам қадим меросимизни юзага чиқариш ишларига жиддий киришдилар.

Қўлёзма манбалар тарихий йўналишдами, адабиётшунослик ёки тилшунослик йўналишларида бўладими, уларни, қўлёзма манбаларни ўқиш, таҳлил ва тадқиқ этиш усулларини билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди. Айниқса, манбаларда қайд этилган саналарни тўғри табдил қилиш тадқиқотларнинг илмийлигини, улардаги хулосаларнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, қўлёзма манбалардаги саналарни ҳижрийдан милодийга табдил қилишнинг оддий формулалари манбалар билан ишловчи тадқиқотчиларга яхши маълум. Шундай бўлса-да, ҳижрий ва милодий йил саналарини ой ва кунигача аниқ табдил қилиш мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган жадваллар ёрдамида амалга оширилади. Шарқшунос олимлар томонидан бир қанча жадваллар яратилган. Уларнинг энг машҳурлари сифатида В.Цибульский, Г. Мамедбейли ва Гринвил томонидан ишлаб чиқилган жадвалларни кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Уларни бугунги

<sup>1</sup> В.В. Цибульский. Современные календари стран Ближнего Востока и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения. Москва, 1964;  
Г.Д. Мамедбейли. Синхронические таблицы для перевода. Баку, 1961; G.S. P. Freeman Grenville. The Muslim and Christian Calendars. London, Oxford University Press, 1963.

кунда топиш амри маҳол, фақат йирик кутубхона ва қўлёзма институтларида сақланиб қолган дейиш мумкин. Шу сабабли ёш матншунос мутахассисларнинг кўпчилиги ҳижрий ва милодий йилларини аниқ табдил қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келадилар.

Биз сизга тақдим этаётган усул ва жадваллар юқорида зикр этилган машҳур шарқшуносларнинг жадвалларидан ижодий фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди. Қўлланма охирида келтирилган адабиётлар рўйхатидан шу йўналишда яратилган ишланмалар ҳақида тасаввур олишингиз мумкин.

Ҳижрий ва милодий йиллар ҳисобини йил, ой ва кун аниқлигида табдил қилишда фойдаланиш учун қўлланма охирида куйида жадваллар келтирилган:

1-жадвал. Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

2-жадвал. Ҳижрий йил ойлари

3-жадвал. Милодий йил ойлари

4-жадвал. Милодий йил ҳафталарда

Жадваллардан фойдаланишда куйидаги энг асосий қоидаларни эсда тутмоқ лозим:

### ***Ҳижрийдан милодийга ўгиришда:***

1. Ҳижрий йилнинг қайси милодий йилга тўғри келиши, муҳаррам ойи милодий йилнинг қайси кунда бошлангани аниқланади (1-жадвал).

2. Ҳижрийда берилган ой ва сана ҳижрий йилнинг нечанчи кунига тўғри келгани қайд этилади (2-жадвал).

3. Ҳар иккала йил кунлари қўшилади.

4. Агар йиғинди 365 кундан кўп чиқса, бу ҳижрий йилнинг бир қисми кейинги милодий йилга ўтганини

англатади. Шунинг учун 365 (кабиса йили учун 366) кун айриб ташланади.

5. Ҳосил бўлган сон милодий ойлар жадвалидан топилади ва милодий ой ҳамда сана қайд этилади (3-жадвал).

6. Топилган милодий сананинг қайси ҳафта кунига тўғри келиши 1 январнинг кириб келган кунига мосланган ҳафта кунлари ичидан аниқланади (4-жадвал).

### ***Милодийдан ҳижрийга ўгиришда:***

1. Аввало, милодий ой ва сананинг (масалан, 10 сентябрь) йилнинг нечанчи кунига тўғри келаётгани аниқланади (3-жадвал).

2. Сўнг, милодий йилнинг қайси ҳижрий йилга мувофиқлиги топилади (1-жадвал). Шу жадвалдан ҳижрий муҳаррам йилнинг биринчи куни милодий йилнинг қайси оyi ва нечанчи кунига тўғри келаётгани қайд этилади.

3. Агар юқорида, ҳижрийдан милодийга ўгиришда ҳар иккала йил кунлари кўшилган бўлса, бунда эса айирилади.

4. Аммо ҳижрий 1-муҳаррамнинг (юқорида 2-бандда кўрсатилган) милодий йилда мос келган кун тартиб сони (1-бандда кўрсатилган) милодий ой ва санага мос йил куни тартиб сонидан катта бўлса, 365 (кабиса йилида 366 кун) сонидан айирлиб, сўнг айирма милодий ой ва санага мос йил куни тартиб сонига кўшилади.

5. Ҳосил бўлган айирма ёки йиғинди асосида изланаётган ҳижрий ой ва сана аниқланади (2-жадвал).

Кўлланма филологлар, шарқшунослар, манбашунос-матншунослар, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари, магистрант ва докторантларга мўлжалланган.

## ТАҚВИМЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Қадим замонларда одамлар йил фасллари­нинг, ёруғлик ва қоронғиликнинг алмашиб туриши сабабларини қидирганлар. Бобилликлар биринчи бўлиб, тўлин ойнинг қисқариб тўлишиб бориши тахминан 29.5 сутка (кеча-кундуз) ни ташкил қилишини аниқлаганлар. Шундан эътиборан, ой тушунчаси инсон онгида ўрнашган. Кейинчалик, қолдиқ сондан қочиш учун ойнинг тўлишиш цикли 29 ва 30 кунга бўлинган. Давр ўтиб, ой кунлари ҳафта кунларига бўлинган. Бунда ҳафта кунлари сайёраларнинг номлари билан, масалан, шанба Сатурн, якшанба Қуёш, қолган кунлар Ой, Марс, Меркурий, Венера куни деб белгиланган. Ой циклига асосланган вақт ўлчови айрим камчиликларга эга эди. Масалан, уни йил фасллари­га мувофиқлаштириб бўлмасди. Чунки йил фасллари­нинг давомийлиги ойга эмас, балки қуёшга боғлиқ эди. Қуёш тафтини­нг камайиб-қўпайиб бориши баҳорги тенгкунликдан олдинги ва кейинги давр билан боғлиқлиги ҳаммага аён эди. Бу камчиликни тузатиш ва икки циклни бирлаштирган ҳолда вақт ўлчамларини ишлаб чиқишга уринишлар бўлди: ҳисоб-китоблар қилинди ва Қуёшнинг баҳорги биринчи кун­тенгликдан иккинчисига қадар бўлган ҳаракати 365 кеча-кундуз, 5 соат, 48 дақиқа, 46,1 сонияни ташкил этиши (365.6) аниқланди. Аммо бирлаштиришга бўлган уриниш натижа бермади. Ой цикли­нинг қолдиқ сонли экани йил охирига келиб, Қуёш циклига асосланган вақт ўлчамидан орқада қолиб кетарди. Хуллас, асосан, Қуёш циклига асосланган тақвим билан иш кўриш бошланди. Илк Қуёш тақвими мисрликлар томонидан милоддан олдинги беш мингинчи йилликда қўллана



бошлаган. Мисрликлар 12 ўттиз кунлик ойдан ва жами 365 кундан иборат йил ҳисобини яратдилар. Бироқ бу тақвимда ҳам камчилик бор эди. Чунки Қуёшнинг тўлиқ цикли 365 кундан ташқари яна 5 соат 48 дақиқа 46,1 сонияни ташкил этарди. Бу эса ўз-ўзидан 4 йилда бир кеча-кундуз ортишини билдирар эди. Миср мунажжими Созиген ушбу камчиликни бартараф этиш учун ҳар 4 йилда йил тақвимига яна бир кунни қўшишни таклиф этди. Эндиликда 366 кунни ташкил этган йил “кабиса йили” деб атала бошлади. Қадимги римликлар кабиса йилидаги бир кунни февраль ойининг охири олтинчи кунига қўшиб, латин тилида “bissexstus” (иккиланган олтинчи кун) деб атадилар. Рим императори Юлий Цезарь милоддан аввалги 46-йилда уни расмий тақвим деб эълон қилди ва шу даврдан эътиборан ушбу тақвим Юлиан тақвими деб атала бошлади. Ушбу тақвим милоднинг 325 йилидан бутун христиан оламида қўллана бошлади.

1582 йил Рим папаси Григорий XIII томонидан юлиан тақвими ислоҳ этилди. Юлиан тақвимида йилларнинг тартиб рақамлари тўртга қолдиқсиз бўлинса, кабиса йиллари ҳисобланар эди. Янги тақвимга биноан, икки нол билан тугайдиган йилда бошланган янги аср тўртга бўлинмаса уни кабиса йил деб ҳисобламаслик керак. Масалан, 1600 йилдан 16 аср бошланади. У тўртга бўлинади. Демак, 1600 йил кабиса йили бўлади. 1700 йил 17 аср, 1800 йил 18 аср, 1900 йил 19 асрлар тўртга бўлинмайди ва кабиса йили деб ҳисобланмаслиги керак. Мазкур тақвим тарихга Григориан тақвими сифатида кирди. Бироқ, янги тақвим христианларнинг милоддан бошлаб ёзиб келинаётган йилномалари ва муқаддас байрамларининг аниқ вақтларини белгилашда бир қанча муаммолар келтириб чиқарди. Чунки,

кабиса йилларининг камайиб кетиши янги тақвимнинг юлиан тақвими билан 10 кеча-кундузга фарқ қилишига олиб келди. Ушбу муаммони ечиш учун Григориан тақвими бўйича вақтни 1582 йил 4 октябрдан кейин 5 октябрь эмас, балки бирдан 10 кун ташлаб, 15 октябрь деб ҳисоблашга келишилди. Ҳозирда бутун дунёда, мусулмон давлатларини истисно этганда, григориан тақвими амалдадир. Ҳижрийни милодийга ёки аксини табдил қилишда григориан тақвими бошланган сана албатта ёдда тутилиши лозим.

## МИЛОДИЙ ЙИЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Христиан динида йил ҳисоби ибтидоси учун Исо пайғамбарнинг туғилганидан кейин 7 кун ўтиб, ҳуқна қилинган куни асос қилиб олинган. IV асрда рим рухонийси Дионисий томонидан Исо пайғамбарнинг туғилган куни санаси аниқлангандан сўнг юлиан тақвимига мувофиқ христиан йил ҳисоби бошланган. Шарқ мусулмон маданиятида христианларнинг йил ҳисоблари Исо пайғамбарнинг туғилган куни (милод) муносабати билан боғлиқ бўлгани учун “милодий йил” дейилади. Руслар милоддан кейинги йилларни белгилаш учун “наша эра” милоддан олдинги давр учун “до нашей эры” бирикмаларини санадан кейин кўшиб ёзадилар. Инглиз тилидаги тадқиқотларда эса Before Christ ( қисқартмаси В.С., таржимаси: Исо таваллудидан олдин), милоддан кейинги давр After Christ (қисқартмаси А.С., таржимаси: Исодан кейинги ) ёки Anno Domini (қисқартмаси А.Д., таржимаси: Худо йиллари ) тарзида санадан олдин кўрсатилади.

Қиёслаш учун:



- *милоддан олдинги 555 йилда*
- *555 году до нашей эры*
- *in the year B.C. 555.*

## **ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Мусулмон ўлкаларида йил ҳисоби ҳижрий йил ҳисоби билан юритилади. Ҳижрий дейилишига сабаб, бу ислом дини тарихи билан боғлиқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага кўчган, яъни ҳижрат қилган 622 йил 16 июль кунидан бошлаб мусулмон йил ҳисоби бошланади. Мусулмон йил ҳисоби халифа Умар ибн ал-Хаттоб томонидан милодий 638 йил, яъни тарихий ҳижрат кунидан 16 йил ўтиб жорий этилган. Ҳижрий йил инглиз тилидаги манбашунослик билан боғлиқ тадқиқотларда лотин тилидаги қисқартма билан ифодаланади : А.Н. (Anno Hijrae). Ҳижрий йил ҳисоби айрим мусулмон давлатларида қадим бобилликлар ишлаб чиққан ой таквими (ҳижрий қамарий), айримларида куёш циклига асосланган (ҳижрий шамсий) таквим бўйича юритилади.

## **ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Ҳижрий йил ҳисоби ойнанинг ер атрофидаги айланма ҳаракати ва ернинг куёш атрофидаги айланма ҳаракати ўлчовлари асосида ҳисобланади. Ой ер атрофини 29 сутка, 8 соатда айланиб чиқади. Аммо ернинг ўзи ҳам ҳаракатда бўлгани учун айланиш жараёни 29,5 кунда тугайди. Демак,

Ой ҳисоби билан бир йил 354 кундир. Мусулмон давлатларининг асосий қисмида ана шу ой ҳисоби вақт ўлчови сифатида қабул қилинган ва ҳижрий қамарий (яъни ой ҳаракатига асосланган ) йил ҳисоби дейилади. Эслатиб ўтамиз, ҳижрий қамарий йил милодий 622 йилнинг 16 июлидан эътиборан ҳисобланади.

## **ҲИЖРИЙ ШАМСИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Ҳижрий шамсий йил ислом давлатлари бўлган Эрон ва Афғонистонда амал қилади. Туркияда ҳам илгари шу йил ҳисоби билан иш кўрилган. Бу ҳисоб Ернинг Куёш атрофидаги ҳаракати асосида ишлаб чиқилган. Ушбу тақвим бўйича йил 365 кундан иборат. Бунда ҳам тақвимга милодий 622 йил - Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳижрати асос қилиб олинган , бироқ янги йил ҳижрий қамарийдаги каби 16 июлдан эмас, 21 март - баҳорги тенгкунликдан бошланади. Дастлабки 6 ой 31 кундан, беш ой 30 кундан ва охириги ой оддий йилда 29, кабиса йилида 30 кундан иборат.

## **ҲИЖРИЙ ЙИЛ ОЙЛАРИ ТАРТИБИ**

Йилни аниқ белгилашда ҳижрий йил ойларини билиш жуда муҳим. Маълумки, ҳижрий йил ойлари ёзда (қамарий, 16 июль) ва баҳорда (шамсий, 21 март) бошлангани учун милодий йилга айлантирганда чалкашликлар чиқариши мумкин. Сабаби, ҳижрий қамарий йил июлдан, бошлангани учун муайян ҳижрий йил ойлари кейинги милодий йилга ўтиб кетади. Шунинг учун ҳижрий йил кўрсатилганда икки

милодий йил билан белгиланади: ҳижрий 1382/1962-1963 мил.й. тарзида. Агар ҳижрий сана ойи кўрсатилган ҳолда милодийга табдил қилинса, унда йил, сана ва ой аниқ кўрсатилади.

Юқорида зикр қилинганидек, ҳижрий йил ҳисобига кўра бир ой тахминан 29,5 суткага тенг. Лекин қулай бўлиши учун бир ой 30 кун деб, иккинчи ой 29 кун деб қабул қилинган. Бу куйидагилардир:

Мухаррам 30 кун	Сафар 29 кун	Раби ул-аввал 30 кун	Раби ул-охир 29 кун	Жумод ул-аввал 30 кун	Жумод ул-охир 29 кун
Ражаб 30 кун	Шаъбон 29 кун	Рамазон 30 кун	Шаввол 29 кун	Зулқаъда 30 кун	Зулҳижжа 29 кун

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ МУҚАДДАС КУНЛАРИ ВА БАЙРАМЛАРИ

1.	Мухаррам ойининг 1-куни	- янги йил
2.	Раби ул-аввал ойининг 12-куни	- Мавлуд ан-Набий (Муҳаммад (с.а.в.)нинг тузилган уни)
3.	Ражаб ойининг 27-куни	- Меърож кечаси
4.	Рамазон ойининг 1-куни	- Рўза ойининг бошланиши
5.	Рамазон ойининг 27-куни	- Лайлат ул-Қадр кечаси
6.	Шаввол ойининг 1-куни	- Ийд ал-Фитр – Ҳайит
7.	Зул-Ҳижжа ойининг 10-куни	- Қурбон ҳайити (2 кун байрам қилинади)

## МИЛОДИЙ ЙИЛ ОЙЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Милодий йил ойлари 31 ва 30 кунларга бўлинган. Февраль ойи бундан мустасно. Оддий йилларда февраль ойи 28 кунни, кабиса йилида эса 29 кунни ташкил этади.

<b>Январь</b> 31 кун	<b>Февраль</b> 28(29) кун	<b>Март</b> 31 кун	<b>Апрель</b> 30 кун	<b>Май</b> 31 кун	<b>Июнь</b> 30 кун
<b>Июль</b> 31 кун	<b>Август</b> 31 кун	<b>Сентябрь</b> 30 кун	<b>Октябрь</b> 31 кун	<b>Ноябрь</b> 30 кун	<b>Декабрь</b> 31 кун

## ҲИЖРИЙ ШАМСИЙ-ҚАМАРИЙ ВА МИЛОДИЙ ЙИЛ ҲИСОБЛАРИНИНГ ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ

Ҳижрий шамсий ва милодий йил ҳисоблари ўхшаш. Аммо фарқли жиҳатлари бор. Милодий йил ҳисоби бўйича сутка тундан бошланади (соат 12дан ) ва 24 соат давом этади. Ҳижрий шамсий йил ҳисоби бўйича сутка ҳисоби 20 соатдан иборат бўлиб, кун ботишидан тонггача, тонгдан кун ботгунга қадар давом этади. Шунга биноан христианларнинг соати бўйича 19:00 шамсий ҳижрий кеча-кундуз (сутка) ҳисоби бўйича соат кечки 1(бир)га тўғри келади. Ҳафта кунлари ҳам шу ўлчовдан келиб ишлаб чиқилган. Улар қиёсланганда, мусулмонларнинг жума оқшоми деганда милодий пайшанба кечки пайт тушунилади. Шамсий ҳижрий йил ҳисоби милодий йилдан йил боши билан ҳам фарқ қилади. Ҳижрий шамсий 21 мартдан бошланади, милодий йил эса 1 январдан (эски календарь бўйича 12 январдан).

Ҳижрий қамарийнинг бир йили милодий бир йилдан 10-11 кун кам (оддий йил 354 кун, кабиса йили 355 кун). Шу туфайли ҳижрий қамарий йил ҳисоби билан боғлиқ бўлган диний маросимлар - рамазон,мавлуд, ҳаж сафари, ҳайитлар кўчиб юради. Улар ҳар сафар ўтган йилдагига кўра 10 кун олдин келади. Шу тариқа, ҳар 33 йилда ҳижрий қамарий йил ҳисоби милодий йилдан деярли бир йилга кўпайиб, фарк қилиб қолади. Шунинг учун боболаримиз дунёдан кўз юмганларнинг ёшини чиқаришда унинг милодий йилдаги расмий туғилган йилига бир йил кўшиб кўядилар.

ХИЖРИЙ ҚАМАРИЙНИНГ БИР ЙИЛИ МИЛОДИЙ БИР ЙИЛДАН 10-11 КУН КАМ (ОДДИЙ ЙИЛ 354 КУН, КАБИСА ЙИЛИ 355 КУН). ШУ ТУФАЙЛИ ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ДИНИЙ МАРОСИМЛАР - РАМАЗОН, МАВЛУД, ҲАЖ САФАРИ, ҲАЙИТЛАР КЎЧИБ ЮРАДИ. УЛАР ҲАР САФАР ЎТГАН ЙИЛДАГИГА КЎРА 10 КУН ОЛДИН КЕЛАДИ. ШУ ТАРИҚА, ҲАР 33 ЙИЛДА ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ МИЛОДИЙ ЙИЛДАН ДЕЯРЛИ БИР ЙИЛГА КЎПАЙИБ, ФАРҚ ҚИЛИБ ҚОЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН БОБОЛАРИМИЗ ДУНЁДАН КЎЗ ЮМГАНЛАРНИНГ ЁШИНИ ЧИҚАРИШДА УНИНГ МИЛОДИЙ ЙИЛДАГИ РАСМИЙ ТУҒИЛГАН ЙИЛИГА БИР ЙИЛ КЎШИБ КЎЯДИЛАР.

### ТОМОНЛАР

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙНИНГ БИР ЙИЛИ МИЛОДИЙ БИР ЙИЛДАН 10-11 КУН КАМ (ОДДИЙ ЙИЛ 354 КУН, КАБИСА ЙИЛИ 355 КУН). ШУ ТУФАЙЛИ ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ДИНИЙ МАРОСИМЛАР - РАМАЗОН, МАВЛУД, ҲАЖ САФАРИ, ҲАЙИТЛАР КЎЧИБ ЮРАДИ. УЛАР ҲАР САФАР ЎТГАН ЙИЛДАГИГА КЎРА 10 КУН ОЛДИН КЕЛАДИ. ШУ ТАРИҚА, ҲАР 33 ЙИЛДА ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ МИЛОДИЙ ЙИЛДАН ДЕЯРЛИ БИР ЙИЛГА КЎПАЙИБ, ФАРҚ ҚИЛИБ ҚОЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН БОБОЛАРИМИЗ ДУНЁДАН КЎЗ ЮМГАНЛАРНИНГ ЁШИНИ ЧИҚАРИШДА УНИНГ МИЛОДИЙ ЙИЛДАГИ РАСМИЙ ТУҒИЛГАН ЙИЛИГА БИР ЙИЛ КЎШИБ КЎЯДИЛАР.

Ҳижрий қамарийнинг бир йили милодий бир йилдан 10-11 кун кам (оддий йил 354 кун, кабиса йили 355 кун). Шу туфайли ҳижрий қамарий йил ҳисоби билан боғлиқ бўлган диний маросимлар - рамазон,мавлуд, ҳаж сафари, ҳайитлар кўчиб юради. Улар ҳар сафар ўтган йилдагига кўра 10 кун олдин келади. Шу тариқа, ҳар 33 йилда ҳижрий қамарий йил ҳисоби милодий йилдан деярли бир йилга кўпайиб, фарк қилиб қолади. Шунинг учун боболаримиз дунёдан кўз юмганларнинг ёшини чиқаришда унинг милодий йилдаги расмий туғилган йилига бир йил кўшиб кўядилар.

# I. ҲИЖРИЙ ВА МИЛОДИЙ ЙИЛЛАРНИ ЎЗАРО ТАБДИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

## Ҳижрий йилни милодийга табдил қилишнинг оддий формуллари

Ҳижрий йилни милодийга айлантириш учун ҳижрий йилни 33га бўлиш керак. Сабаби, ҳар 33 йилда ҳижрий йил ҳисоби милодий йил ҳисобидан бир йилга кўпаяди. Ҳосил бўлган сонни ҳижрий йилдан чиқариб, қолган сонга 621 ни кўшиш лозим.

Бунинг формуласи куйидагича:

$$(Ҳижрий : 33) - Ҳижрий + 621 = Милодий йил$$

Масалан, 876 ҳижрий йилни милодийга айлантириш учун куйидаги амал бажарилади:

$$876 : 33 = 26.54$$

$$876 - 26.54 = 849.46$$

$$849.46 + 621 = 1470.46 \text{ (милодий 1471 йил)}$$

Кўриб турганингиздек, қолдиқ бир бирлик ҳисобланиб, йилнинг кўшилади.


**Яна бир формула:** Бунда ҳижрий тақвим боши 622 деб қайд этилади. Бу ҳолатда қолдиқ сон ҳижрий йил кейинги милодий йилда тугагини англатади:

$$(Ҳ+622) - (Ҳ:33) = М.$$

$$876 + 622 = 1498$$

$$876 : 33 = 26.54$$

$$1498 - 26.54 = 1471.46$$



*Ҳижрий 876 = милодий 1471-1472*

Бошқа бир формулада ҳижрий таквим боши 621.6 деб олинади. Кўриб чиқиладиган ҳижрий йил 0.97 га кўпайтирилади:

$$(Ҳижрий \times 0.97) + 621.6 = M$$

Масалан, 1422 йилни милодийга айлантириш:

$$1422 \times 0.97 = 1379.34$$

$$1379.34 + 621.6 = 2000.94 \text{ (2001)}$$

Қолдиқ сон бир бирлик ҳисобланиб, йиғиндига кўшилади.

***Милодийни ҳижрийга айлантиришнинг оддий формулалари***

Милодий йилни ҳижрий йилга айлантириш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$(M-621):33 + (M-621) = X$$

Масалан, 1962 йилни ҳижрийга айлантириб кўрайлик.

$$1962-621=1341$$

$$1341:33=40,64$$

$$1341+40.64=1381.64 \text{ (1382)}.$$

Демак, 1962 йил ҳижрийда 1382 йилга тўғри келади.

**Яна бир формула:  $M-622 + (M-622):32 = X$**

2003 йилни ҳижрийга айлантириш:



$$2003-622=1381$$

$$1381:32=43.15$$

$$1381+43.15=1424.15$$

Қолдиқ сон ҳижрий йил кейинги милодий йилда тугадини англатади.

Демак, Милодий 2003 йил = ҳижрий 1424-1425.

**Яна бир формула:** Ҳижрий тақвим боши сифатида 621.6 кун олинади. Ҳижрий ва милодий йил ўртасидаги фарқ 33 эмас, 32.5 йил этиб қайд этилади.

$$(M-621.6):32.5+(M-621.6) = X.$$

Масалан, 2001 йилни ҳижрийга айлантириш керак.

$$2001-621.6 = 1379.4$$

$$1379.4:32.5 = 42.44$$

$$1379.4+42.44 = 1421.84$$

Қолдиқ сон бир бирлик сифатида натижага қўшилади.

Демак,

$$2001 \text{ йил} = 1422 \text{ ҳижрий.}$$

В.Цибульский ўзининг синхрон жадваллар ва изоҳлар тўпламида<sup>2</sup> қуйидаги формулани таклиф этган:

$$M-621 + (M-621:32) = X.$$

У ҳижрий ва милодий йил ўртасидаги фарқни 33 йил эмас, балки 32 йил деб олади. Шунга биноан, ҳижрийни 32

<sup>2</sup> В.В. Цибульский. Современные календари стран Ближнего Востока и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения. Москва, 1964, стр. 18.



га бўлганда ҳосил бўладиган қолдиқни ҳисобга олмайди.  
Қуйида милодий 1962 йилни ушбу формулага татбиқ  
этамиз:

$$1962-621 = 1341$$

$$1341: 32 = 41, 9$$

$$1341+41 = 1382 \text{ ҳижрий йил.}$$

## II. ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБЛАРИНИ ЙИЛ, ОЙ ВА КУН АНИҚЛИГИДА МИЛОДИЙГА ТАБДИЛ ҚИЛИШ

### *Ҳижрийни милодийга айлантиришда йилни аниқ белгилаш*

**Мисол:** 904 ҳижрий йилини милодийдаги муқобилини аниқлаш.

1-жадвал: 1-устундан ҳижрий 904 йилни топасиз. 2-устунда унга мувофиқ милодий йил акс этган. Кўриб турганингиздек, 3-устунда ҳижрий 904 йил боши - Мухаррам ойининг биринчи куни 1498 йилнинг 19 августида бошланган ва 4-устунда милодий йилнинг 230-кунига тўғри келиши қайд этилган. Демак, ҳижрий йилнинг иккинчи ярми кейинги милодий йилга ўтган.

2-жадвал: Мухаррам ойи - ҳижрий йилнинг биринчи куни бўлса, зул-ҳижжа ойи унинг 12-охирги ойдир. Зул-ҳижжа ойининг охириги 29-куни ҳижрий йилнинг 354-кунига тўғри келади.

Энди ҳар иккала йил кунлари тартиб сонини кўраемиз:

$$\text{милодий } 230 + \text{ҳижрий } 354 = 584$$

Ушбу йиғинди милодий йил кунларининг умумий сонини англатади. Эслатиб ўтамиз, бир йил 365 кун бўладиган бўлса, ундан ортиғи кейинги милодий йилга тегишли бўлади. Кейинги йилга тегишли кунларни аниқлаш учун 584 дан 365 кунни айирамиз:

$$584 - 365 \text{ кун} = 219.$$

3-жадвал: Бу жадвалда милодий йил ойлари ва саналарнинг йил бошидан тартиб рақами келтирилган. 219-рақамни топамиз. 219 сони 7 августни кўрсатмоқда.

Изоҳ: Шунинг ҳисобга олиш керакки, юқоридаги ҳолатда қидирилаётган ҳижрий сана оддий милодий йилга тўғри келса, унда 365 кунни, кабиса йилига тўғри келса, 366 кунни айириш лозим бўлади. Агар ҳижрий сананинг милодийдаги муқобили кейинги кабиса йилига тўғри келиб қолса, бундан қатъи назар, 365 кунни айириш керак.

Демак, ҳижрий 904 йил 1498 йилнинг 18-19 августидан 1499 милодий йил август ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Шундай экан, бундай ҳолатларда **ҳижрий 904 йил/милодий 1498-1499 йиллар** деб ёзиш тўғри бўлади.

Агар ҳижрий йил бир милодий йилда бошланиб, ўша йил тутаган тақдирда фақат бир милодий йил кўрсатилиши шарт. Шундай қилинмаган тақдирда (бизнинг илмий адабиётларимизда бу камчилик кўп учрайди), тарихий воқеалар, тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ фактлар устида тадқиқот олиб бориш жараёнида нотўғри хулосалар чиқарилиши ва чалқашликка йўл қўйилиши мумкин.

**Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:**

1. 1-жадвал/ҳижрий 904, 1-муҳаррам = 1498, 19 август = 230 - кун
2. 2-жадвал/ҳижрий йил якуни → 354-кун
3. милодий 230 + ҳижрий 354 = 584
4. 584 - 365 = 219.
5. 3-жадвал/ 219 сони = 1499 йил август

## Ҳижрийдан милодий йилга айлантиришда ойни аниқлаш

Юқорида ҳижрий йилнинг тўлиқ цикли бир милодий йилда бошланиб, иккинчисида тугагани учун милодий йилнинг ой ва сана кесимида ҳижрийдаги аниқ муқобилини оддий формула асосида топиш тахминга олиб келишини айтиб ўтгандик. Агар ҳижрий йил ва унинг ойи аниқ кўрсатилаётган бўлса, бу масалани иловадаги жадваллар ёрдамида қуйидагича ҳал этиш мумкин.

### Мисол:

Ҳижрий 904 йил шаввол ойининг милодий йилдаги муқобилини топишимиз керак.

1-жадвал: 1-устундан ҳижрий 904 йилни гопамиз. У 1498 йилнинг 19 августида бошланган. Бу кун милодий йилнинг 230- кунига, милодий йилнинг боши эса душанбага тўғри келади (4 ва 5- устунлар).

2-жадвал: Шаввол ойини аниқлаймиз. Шаввол ойи ҳижрий йил таркибидаги 10-ой ҳисобланади ва унинг биринчи кунни ҳижрий йилнинг 267-кунига тўғри келади.

Энди ҳар иккала йил кунларини қўшамиз:

$$230+267=497$$

Йиғиндидан милодий йил кунлари сонини айирамиз:

$$497-365 \text{ кун} = 132$$

3-жадвал: 132 сони 12 майни кўрсатмоқда.

Демак, шаввол ойининг 1-кунни милодий 1498 йил эмас, 1499 йилнинг 12 майдан бошланиб, 10 июнида тугайди.

Бу ҳолатни қуйидагича қайд этамиз:

**ҳижрий 904 йил шаввол ойи/ милодий 1499 йил май-июнь.**

**Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:**

1. 1-жадвал/ҳижрий 904, 1-муҳаррам =1498,  
19 август=230-кун
2. 2-жадвал/ ҳижрий шаввол ойи боши =267 .
3.  $230+267=497$
4.  $497-365$  кун = 132
1. 3-жадвал/  $132 = 12$  май-10 июнь

**Яна бир мисол:** Ҳижрий 1040 йил муҳаррам ойининг милодий йилдаги муқобилини топишимиз керак.

1. 1-жадвал/ҳижрий 1040, 1-муҳаррам =1630, 10 август=221-кун
2. 2-жадвал/ ҳижрий муҳаррам ойи боши = 1.
3.  $221+1=222$ .
4. 3-жадвал/  $222 = 10$  август

**Ҳижрийдан милодий йилга айлантиришда сана ва ҳафта кунини аниқлаш**

**Мисол:** ҳижрий 904 йил шаввол ойининг 2- кунини милодийга айлантириш.

1-жадвал: 1-устундан ҳижрий 904 йилни топамиз. У 1498 йилнинг 19 августида бошланган. Бу кун милодий йилнинг 230- кунига ва йил боши душанбага тўғри келади (4 ва 5-устунлар).

2-жадвал: (исломий ойлар жадвали ): Ой ва санани аниқлаймиз: 2- шаввол (ҳижрий йилнинг10-ойи) ҳижрий йилнинг 268-кунига тўғри келади:

2-шаввол = ҳижрий йилнинг 268-куни

Энди ҳар иккала йил кунларини қўшамиз:

Милодий 230+ ҳижрий 268=498

Кўриб турганингиздек, йиғинди 365 (бир йил) кундан кўп чиқди. Қоидага биноан, йиғиндидан милодий йил кунларини айирамиз:

$$498-365=133$$

Ушбу сон кейинги милодий йил кунларининг тартиб сонини англатади.

Демак, маълум бўладики, ҳижрий 904 йилнинг бир қисми 1499 йилга ўтган. Шунинг назарда тутган ҳолда 1499 йилнинг 1 январь куни ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқлаб қўямиз (1-жадвал: сешанба).

3-жадвал: (милодий ойлар жадвали) 1-устундан йилнинг 133-кунини топамиз ва 13 майга тўғри келганини кўрамиз.

4-жадвал (милодий йил ҳафталарда): Тўртинчи жадвалда милодий йил боши бўлган 1 январь куни ҳафтанинг қайси кунда кириб келганига қараб ой ва сана мувофиқлиги акс эттирилган. Бу жадвалдан 13 май қайси ҳафта кунига тўғри келишини аниқлаймиз. Юқорида милодий 1499 йилнинг 1 январь сешанба куни кириб келганини аниқлаган эдик. 4-жадвалдан 1 январь сешанба куни кириб келгандаги ҳафталар тақсимоидан 13 майни қидирамиз ва у душанбага тўғри келишини кўрамиз. Шу тариқа 904 ҳижрий йил шаввол ойининг иккинчи куни 1499 йилнинг 13 майи, душанба куни эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Кўриб турганидек, ҳижрийни милодийга айлантиришда ой ва санани аниқлаш ва тўғри табдил қилишнинг аҳамияти жуда катта.

### Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:

1. 1-жадвал/ҳижрий 904, 1-муҳаррам = 1498, 19 август = 230-кун (душанба)
2. 2-жадвал/ҳижрий 2-шаввол = 268.
3.  $230 + 268 = 498$
4.  $498 - 365 = 133$ . (1499 йил 1 январь → сешанба)
5. 3-жадвал/ 133 = 1499 йил 13 май.
6. 4-жадвал/ 13 май → душанба.

**Яна бир мисол:** 1311 ҳижрий муҳаррам ойининг 7- куни милодийда қайси сана, ой ва ҳафта кунига тўғри келишини аниқлаш

1-жадвал: 1311 ҳижрий йил 1893 милодий йилнинг 15 июлида бошланган. Бу милодийнинг 195-кунига тўғри келади. Оддий йил. Шу қаторнинг охириг устунда 1893 милодий йилнинг боши, яъни 1 январь якшанба куни бошланганига ҳам кўзимиз тушади.

Энди 7-муҳаррам ҳижрий йилнинг нечанчи кунига тўғри келишини аниқлаймиз:

2-жадвал (исломий ойлар): 7-муҳаррам (яъни биз излаётган сана) ҳижрий йилдаги еттинчи кун экан. Шундай экан, қайд этамиз:

**7-муҳаррам = ҳижрий йилнинг 7-куни**

Ҳар иккала йил кунларини кўшамиз:

**Милодий 195 + ҳижрий 7 = 202**

Ушбу йиғинди 365 дан кичик. Демак, биз излаётган сана кейинги милодий йилга ўтмаган. Шунинг учун уни 365 кундан айирмаймиз.

3-жадвал (милодий ойлар): 202-рақамни излаймиз. 202 сони тўғрисидаги рақам, биз излаётган ой ва кунни



кўрсатади. Жадвалда 202-кун оддий милодий йил ҳисобида 21 июль экани кўринади.

$$202 = 21 \text{ июль}$$

Демак, маълум бўладики, 1311 ҳижрийнинг 7-муҳаррами милодий 1893 йилнинг 21 июлига тўғри келар экан.

Агар бизга ҳафта кунини аниқлаш ҳам зарур бўлса, унда 4-жадвалга мурожаат қиламиз. Демак, биз 1893 йил оддий милодий йил экани ва 1 январь якшанба куни кириб келганини ёдда тутган ҳолда 1-январь якшанба кунига тўғри келадиган ҳафталар тақсимотидан 21 июлни топамиз ва у жума куни эканлигини аниқлаймиз.

Шундай қилиб, биз ҳижрий 1311 йилнинг 7-муҳаррам куни 1893 йилнинг 21 июли, жума куни эканлигини аниқладик.

#### **Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:**

1. 1-жадвал/ $x$ . 1311, 1-

муҳаррам = 1893, 15 июль = 195-кун, оддий йил/якшанба.

2. 2-жадвал/ ҳижрий 7-муҳаррам = 7.

3. Милодий 195 + ҳижрий 7 = 202.

4. 3-жадвал/202 = 21 июль.

5. 4-жадвал/21 июль = жума.

**Яна бир мисол:** ҳижрий 1323 йил жумод ул-аввал ойининг 16-санаси милодий йил ҳисоби бўйича қайси сана, ой ва кунга тўғри келишини аниқлаш

1-жадвал: ҳижрий 1323 йил 1-муҳаррам милодий 1905 йилнинг 8 мартига мувофиқ. Милодий йилнинг 66-куни.

Милодий йилнинг 1 январь якшанба кунига тўғри келади.

Демак, йил аниқ бўлди. Энди жумод ул-аввал ойининг 16-санасини аниқлашимиз керак. Иккинчи жадвалга мурожаат қиламиз.



2-жадвал: ҳижрий йил жумод ул-аввал ойининг 16-санаси ҳижрий йилнинг 134-кунига тўғри келади. Икки аниқланган сонни қўшамиз:

**Милодий 66+ ҳижрий 134=200**

Энди ойни ва санани топишимиз керак.

3-жадвал:  $200=19$  июль

Энди 4-жадвалдан ҳафта кунини аниқлаймиз. Бунинг учун милодий йилнинг 1 январни яқшанба куни бошланган тақвимни кўздан кечирамиз:

4-жадвал: 19 июль = чоршанба

Демак, 1323 ҳижрий жумод ул-аввал ойининг 16-санаси 1905 йил 19 июль, чоршанба кунига тўғри келар экан.

***Ҳижрийни милодийга айлантиришда кабиса йилига тўғри келиб қолса нима қилмоқ керак?***

1-жадвал биринчи устунда ҳижрий йиллар берилган. Иккинчи устунда милодий йиллар кўрсатилган. Милодий йил оддий йил ёки кабиса эканлигини англатувчи юлдузча белгисига эътиборни қаратамиз. Барча кабиса йиллар юлдузча билан белгилаб қўйилган. Кабиса йилида оддий йил сана ва ҳафта кунлари мос келмаслиги мумкин. 3-жадвалда милодий йилнинг ойлар кесимидаги тўлиқ бир цикли оддий ва кабиса йил мисолида алоҳида кўрсатилган. 1582 йилдан кейинги давр учун қавс ичида эски Юлиан тақвимидаги ҳафта кунни кўрсатиб кетилади.

**Мисол:** *ҳижрий 1351 йил сафар ойининг 27-куни милодий йилга қандай ўгирилади?*

Биринчи жадвалдан ҳижрий йил муҳаррам ойининг 1-куни милодий йилнинг қайси санасига тўғри келишини топамиз.

Кўришиб турганидек, ҳижрий 1351 йилнинг 1-муҳаррами 1932 милодий йилнинг 7 май кунига тўғри келар экан ва милодий йил кунлари тартиб сони бўйича 127-кун экан. Милодий йилда 1 январь жума бўлган. Юлдузча билан белгиланганидан бу милодий йил кабиса йили эканлигини англаймиз.

Энди сафар ойини топиш учун иккинчи жадвални очамиз. Ундан сафар ойини топамиз. Ойнинг 27-кунида тўхтаймиз. Унинг ёнида 57 рақами турибди. Маълум бўладики, 27-сафар ҳижрий йилнинг 57-кунига тўғри келар экан.

Энди икки – милодий ва ҳижрий йил кунларини қўшамиз ҳамда аниқ милодий йил куни сонини топамиз :

$$127+57 = 184$$

Учинчи жадвалга мурожаат қиламиз ва биринчи устундан 184- рақамни топамиз. Бунда милодий 184-кун кабиса йилида 2 июлга тўғри келишини кўрамиз:

Демак, ҳижрий 1351 йил сафар ойининг 27-куни милодий 1932 йилнинг 2 июлига тўғри келар экан.

Энди ҳафта кунини аниқлаш учун 4-жадвални очамиз: 4-жадвалдан кабиса йилида 1 январь жума куни бошланган тақвимни кўздан кечирамиз:

**2 июль = шанба**

Буни қуйидагича қайд этамиз:

**х. 1351 йил сафар ойининг 27-куни / мил. 1932 йил 2 июль, шанба**

### **Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:**

1. 1-жадвал/ҳ. 1351,1-муҳаррам = 1932, 7 май = 127-кун, кабиса йили/душанба.
2. 2-жадвал/ сафар ойининг 27 - куни = 57.
3. Милодий 127+ҳижрий 57=184.
4. 3-жадвал/184 = 2 июль.
5. 4-жадвал/2 июль = шанба.

**Яна бир мисол:** ҳижрий 1058 сафар ойининг 20 - кунини милодий йилга мувофиқ санасини аниқлаш.

1-жадвал: 1-устундан 1058 ҳижрий йилни топамиз. Иккинчи устунда мазкур ҳижрий йил 1648 йил ва учинчи устунда муҳаррамнинг биринчи куни 1648 27 январда бошлангани кўрсатилган ва бу милодий йилнинг 26 - кунига тўғри келар экан. Милодий йил (1 январь) душанба куни бошланган. Демак, ҳижрий йилнинг асосий қисми шу милодий йил ичида ўтади.

(Эътибор беринг: 1648 йил 1-жадвалда юлдузча билан белгиланган. Бундан маълум бўладики, ушбу милодий йил оддий йил эмас, балки кабиса йилдир. Охирги устунда 1582 йилгача амалда бўлган эски Юлиан тақвими бўйича милодий йил қайси ҳафта кунида бошлангани қавс ичида кўрсатилган. Уни ҳисобга олманг).

2- жадвал: Иккинчи жадвални очамиз. Ундан сафар ойини топамиз. Ойнинг 20-кунида тўхтаймиз. Унинг ёнида 50 рақами турибди. Маълум бўладики, 20-сафар ҳижрий йилнинг 50-кунига тўғри келар экан.

Энди икки – милодий ва ҳижрий йил кунларини қўшамиз ва аниқ милодий йил куни сонини топамиз:

$$26+50 = 76$$

Учинчи жадвалга қараймиз. Бунда милодий 76-кун кабиса йилида 16 мартга тўғри келишини кўрамиз:

Демак, ҳижрий 1058 йил сафар ойининг 20 -куни милодий 1648 йилнинг 16 мартага тўғри келар экан.

Энди милодий йилнинг 1 январи душанба куни эканлигини ҳисобга олиб, 4-жадвалдан милодий кабиса йили душанба куни кириб келган тақвимни кўздан кечирамиз:

**16 март = шанба**

Буни қуйидагича қайд этамиз:

**х. 1058 йил сафар ойининг 20-куни / мил. 1648 йил 16 март, шанба**

**Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:**

1. 1-жадвал/х. 1058, 1-муҳаррам = 1648, 27 январь  
= 26-кун, кабиса йили/душанба.

2. 2-жадвал/ сафар ойининг 20 - куни = 50.

3. Милодий  $26 + \text{ҳижрий } 50 = 76$ .

4. 3-жадвал/76 = 16 март.

5. 4-жадвал/16 март = шанба.

**Яна бир мисол:** ҳижрий 630 йил рамазон ойининг 21-кунини милодий йилдаги мос санасини аниқлаш:

1-жадвал/х.630, 1-муҳаррам=1232,18 октябрь = 291, кабиса йили/пайшанба.

2-жадвал/ рамазон ойининг 21-куни = 257

$291 + 257 = 548$

$548 - 366 = 182$  (1233 йил 1 январь →шанба)

3-жадвал/ 182 = 30 июнь

4-жадвал/30 июнь = жума

### III. МИЛОДИЙ ЙИЛ САНАЛАРИНИНГ ХИЖРИЙ ЙИЛ ХИСОБИГА МУВОФИҚЛИГИ

#### *Милодий йилдан ҳижрий йилга табдил қилишда йилни белгилаш*

Милодий йилни ҳижрий йилга табдил қилишда 1-жадвалдаги дастлабки икки устунга қаралади: 2-устунда милодий йиллар берилган бўлиб, уларга мос ҳижрий йиллар 1-устунда кўрсатилган. Бироқ, милодий йилни ҳижрийда аниқ белгилаш учун ҳижрий йилнинг милодий йилнинг қайси ойдан бошланаётгани ва қачон йил тугаётганига эътибор бериш лозим.

**Мисол:** *милодий 1915 йилни ҳижрий йилга айлантириш.*

1-жадвалдан йилларнинг мослигини кўрамиз: 2-устундан 1915 йилни топамиз. Унинг ёнида, 1-устунда ҳижрий 1334 йил кўрсатилган.

3-устунда кўриниб турибдики, ҳижрий 1334 йил 1915 йилнинг 9 ноябридан бошланади. Демак, милодий йил ҳижрий йилнинг бор-йўғи 2 ойини қамраб олади. Шундай экан, илмий тадқиқотларда милодий йилни ҳижрий йилга мос равишда айлантириб берганда матнда келувчи аниқлаштирувчи ишораларни (фасллар, диний байрам ва маросимлар ва ҳкз.) ҳисобга олиш керак ва шунга қараб жорий ёки кейинги ҳижрий йилни кўрсатиш лозим бўлади.

Буни қуйидагича қайд этишимиз мумкин:

**мил. 1915/ ҳ.1334-1335**

## *Милодийдан ҳижрийга айлантиришда ой ва кунларни аниқ белгилаш*

1. Аввало, милодий ой ва сананинг йилнинг нечанчи кунига тўғри келаётгани аниқланади (3-жадвал). Бу рақам шу ой ва санагача милодий йилнинг ўтган кунлари сонини англатади.
2. Сўнг, 1-жадвал 2-устундан милодий йилни топасиз. Оддий ёки кабиса эканлигига эътибор берасиз. 1-устунда келтирилган ҳижрий йилни аниқлайсиз. Шу жадвалдан ҳижрий 1-муҳаррам милодий йилнинг қайси оyi ва нечанчи кунига мос келаётгани қайд этилади.
3. Қоида бўйича, ҳижрийдан милодийга ўгиришда ҳар иккала йил кунлари кўшилган бўлса, милодийдан ҳижрийга айлантиришда милодий ойга тегишли сондан 1-муҳаррамга тегишли сонни айирамиз.
4. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, ҳижрий 1-муҳаррамнинг (юқорида 2-бандда кўрсатилган) милодий йилда мос келган кун тартиб сони (1-бандда кўрсатилган) милодий ой ва санага мос йил куни тартиб сонидан катта бўлса, 365 (кабиса йилида 366 кун) сонидан айирилиб, сўнг айирма милодий ой ва санага мос йил куни тартиб сонига кўшилади.
5. Ҳосил бўлган айирма ёки йиғинди асосида изланаётган ҳижрий ой ва сана аниқланади (2-жадвал).

**Мисол:** 1930 йилнинг 3 сентябрь кунини ҳижрийга айлантириш.

Учинчи жадвалдан 3 сентябрни излайсиз. Йил бошидан ўтган кунларнинг тартиб рақами бўйича у 246-кунга тўғри келади.

$$1 \text{ сентябрь} = 246$$

Биринчи жадвалдаги иккинчи устундан 1930 йилни топасиз. Биринчи устунда унинг ҳижрий йилдаги муқобили акс этган:

милодий 1930 = ҳижрий 1349.

Кейинги устунда ҳижрий йил боши - муҳаррам ойининг биринчи куни милодий йилнинг қайси санасига тўғри келиши кўрсатилган. Кўринадики, 1930 йил 29 майда ҳижрий 1349 йилнинг 1-муҳаррам куни бошланган экан. Кейинги устунда мазкур ҳижрий йилнинг биринчи куни милодий йилнинг 148-кунига келиши қайд этилган.

**1-муҳаррам = милодий 148-кун**

3 сентябрга тегишли сондан 1-муҳаррамга тегишли сонни айирамиз:

$$246-148=98$$

Энди иккинчи жадвалга мурожаат этамиз. Бу жадвалда муслмон тақвими бўйича йил ойлари ва кунлари тартиб билан рақамланган. Ундан 98-рақамни топсак, Раби ул-охир ойининг 9-куни биз излаётган сана эканлиги маълум бўлади.

Ечимни қуйидагича қайд этамиз:

**Мил. 1930 йил 1 сентябрь/ х.1349 раби ул-охир ойининг 9-куни**

**Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг**

1. 3-жадвал/ 1 сентябрь = 246

2. 1-жадвал/мил.1930=х.1349

3. 1-муҳаррам = 1930 йил 29 май. =148

4. 246-148=98

5. 2-жадвал/98 = Раби ул-охир ойининг 7-куни

**Яна бир мисол:** 1946 йилнинг 4 сентябрь куни ҳижрийда қандай бўлишини аниқлаш:



Учинчи жадвалдан сентябрь ойини топамиз. 4 сентябрь қаршисида 247 рақами қўйилган. Бу рақам йилнинг шу кунгача ўтган кунлари сонини англатади.

$$4 \text{ сентябрь} = 247$$

1-жадвал (2-устун) : Биринчи жадвалдаги иккинчи устундан 1946 йилни топамиз. Биринчи устунда унинг ҳижрий йилдаги муқобили ақс этган.

$$1946 = 1366.$$

Кейинги устунда кўриниб турибдики, ҳижрий 1366 йил 1946 йилнинг 25 ноябрида бошланган. Бизга эса 1946 йилнинг 4 сентябри керак. Демак, 1946 йил 4 сентябри ҳижрий 1365 йил ичидан излаш керак экан.

Ўша жадвал 1-устундан 1365 йилни топамиз. 1365 йилнинг 1-муҳаррами 1945 йилнинг 6 декабрь куни бошланган экан. Милодий йилнинг 339-кунига тўғри келади.

$$1\text{-муҳаррам} = 339$$

Қоида бўйича, 247дан 339ни айришимиз керак. Аммо кўриниб турибдики, 339 сони 247 сонидан катта. Бу ҳолатда аввал милодий йилнинг умумий сонидан (оддий бўлса 365, кабиса бўлса 366 кун) 339ни айириб, айирмага 247ни қўшамиз:

$$365-339=26$$

$$247+26=273$$

Энди иккинчи жадвалга мурожаат этамиз. Бу жадвалда мусулмон тақвими бўйича йил ойлари ва кунлари тартиб



билан рақамланган. Ундан 273-рақамни топсак, Шаввол ойининг 7-куни биз излаётган сана эканлиги маълум бўлади.

Демак, 1946 йилнинг 4 сентябри = х. 1365 йил шаввол ойининг 7-куни.

### Амаллар кетма-кетлигини ёдда тутинг:

1. 3-жадвал/4 сентябрь = 247
2. 1-жадвал/ мил. 1946 = х. 1366
3. х. 1366, 1 муҳаррам = 1946 йил 25 ноябрь
4. 1365 йил, 1 муҳаррам = 1945 йил 6 декабрь = 339-кун.
5. 365-339 = 26
6. 247+26 = 273
7. 2-жадвал /273 = Шаввол ойининг 7-куни

**Натижа : Мил. 1946, 4 сентябрь = х. 1365, 7- шаввол**



БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг муҳаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта кун
1	622	16 июль	196	жума
2	623	5 июль	185	шанба
3	*624	24 июнь	175	якшанба
4	625	13 июнь	163	сешанба
5	626	2 июнь	152	чоршанба
6	627	23 май	141	пайшанба
7	*628	11 май	131	жума
8	629	1 май	120	якшанба
9	630	20 апрель	109	душанба
10	631	9 апрель	98	сешанба
11	*632	29 март	88	чоршанба
12	633	18 март	76	жума
13	634	7 март	65	шанба
14	635	25 февраль	55	якшанба
15	*636	14 февраль	44	душанба
16	637	2 февраль	32	чоршанба
17	638	23 январь	22	пайшанба
18	639	12 январь	11	жума
19	*640	2 январь	1	шанба
20	*640	21 декабрь	355	шанба
21	641	10 декабрь	343	душанба
22	642	30 ноябрь	333	сешанба
23	643	19 ноябрь	322	чоршанба
24	*644	7 ноябрь	311	пайшанба
25	645	28 октябрь	300	шанба
26	646	17 октябрь	289	якшанба
27	647	7 октябрь	279	душанба
28	*648	25 сентябрь	268	сешанба
29	649	14 сентябрь	256	пайшанба
30	650	4 сентябрь	246	жума
31	651	24 август	235	шанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
32	*652	12 август	224	якшанба
33	653	2 август	213	сешанба
34	654	22 июль	202	чоршанба
35	655	11 июль	191	пайшанба
36	*656	30 июнь	181	жума
37	657	19 июнь	169	якшанба
38	658	9 июнь	159	душанба
39	659	29 май	148	сешанба
40	*660	17 май	137	чоршанба
41	661	7 май	126	жума
42	662	26 апрель	115	шанба
43	663	15 апрель	104	якшанба
44	*664	4 апрель	94	душанба
45	665	24 март	82	чоршанба
46	666	13 март	71	пайшанба
47	667	3 март	61	жума
48	*668	20 февраль	50	шанба
49	669	9 февраль	39	душанба
50	670	29 январь	28	сешанба
51	671	18 январь	17	чоршанба
52	*672	8 январь	7	пайшанба
53	*672	27 декабрь	361	пайшанба
54	673	16 декабрь	349	шанба
55	674	6 декабрь	339	якшанба
56	675	25 ноябрь	328	душанба
57	*676	14 ноябрь	318	сешанба
58	677	3 ноябрь	306	пайшанба
59	678	23 октябрь	295	жума
60	679	13 октябрь	285	шанба
61	*680	1 октябрь	274	якшанба
62	681	20 сентябрь	262	сешанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
63	682	10 сентябрь	252	чоршанба
64	683	30 август	241	пайшанба
65	*684	18 август	230	жума
66	685	8 август	219	якшанба
67	686	28 июль	208	душанба
68	687	18 июль	198	сешанба
69	*688	6 июль	187	чоршанба
70	689	25 июнь	175	жума
71	690	15 июнь	165	шанба
72	691	4 июнь	154	якшанба
73	*692	23 май	143	душанба
74	693	13 май	132	чоршанба
75	694	2 май	121	пайшанба
76	695	21 апрель	110	жума
77	*696	10 апрель	100	шанба
78	697	30 март	88	душанба
79	698	20 март	78	сешанба
80	699	9 март	67	чоршанба
81	*700	26 февраль	56	пайшанба
82	701	15 февраль	45	шанба
83	702	4 февраль	34	якшанба
84	703	24 январь	23	душанба
85	*704	14 январь	13	сешанба
86	705	2 январь	1	пайшанба
87	705	23 декабрь	356	пайшанба
88	706	12 декабрь	345	жума
89	707	1 декабрь	334	шанба
90	*708	20 ноябрь	324	якшанба
91	709	9 ноябрь	312	сешанба
92	710	29 октябрь	301	чоршанба
93	711	19 октябрь	291	пайшанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
94	*712	7 октябрь	280	жума
95	713	26 сентябрь	268	якшанба
96	714	16 сентябрь	258	душанба
97	715	5 сентябрь	247	сешанба
98	*716	25 август	237	чоршанба
99	717	14 август	225	жума
100	718	3 август	214	шанба
101	719	24 июль	204	якшанба
102	*720	12 июль	193	душанба
103	721	1 июль	181	чоршанба
104	722	21 июнь	171	пайшанба
105	723	10 июнь	160	жума
106	*724	29 май	149	шанба
107	725	19 май	138	душанба
108	726	8 май	127	сешанба
109	727	28 апрель	117	чоршанба
110	*728	16 апрель	106	пайшанба
111	729	5 апрель	94	шанба
112	730	26 март	84	якшанба
113	731	15 март	73	душанба
114	*732	3 март	62	сешанба
115	733	21 февраль	51	пайшанба
116	734	10 февраль	40	жума
117	735	31 январь	30	шанба
118	*736	20 январь	19	якшанба
119	737	8 январь	7	сешанба
120	737	29 декабрь	362	сешанба
121	738	18 декабрь	351	чоршанба
122	739	7 декабрь	340	пайшанба
123	*740	26 ноябрь	330	жума
124	741	15 ноябрь	318	якшанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта кунни
125	742	4 ноябрь	307	душанба
126	743	25 октябрь	297	сешанба
127	*744	13 октябрь	286	чоршанба
128	745	3 октябрь	275	жума
129	746	22 сентябрь	264	шанба
130	747	11 сентябрь	253	якшанба
131	*748	31 август	243	душанба
132	749	20 август	231	чоршанба
133	750	9 август	220	пайшанба
134	751	30 июль	210	жума
135	*752	18 июль	198	шанба
136	753	7 июль	187	душанба
137	754	27 июнь	177	сешанба
138	755	16 июнь	166	чоршанба
139	*756	5 июнь	156	пайшанба
140	757	25 май	144	шанба
141	758	14 май	133	якшанба
142	759	4 май	123	душанба
143	*760	22 апрель	111	сешанба
144	761	11 апрель	100	пайшанба
145	762	1 апрель	90	жума
146	763	21 март	79	шанба
147	*764	10 март	68	якшанба
148	765	27 февраль	57	сешанба
149	766	16 февраль	46	чоршанба
150	767	6 февраль	36	пайшанба
151	*768	26 январь	25	жума
152	769	14 январь	13	якшанба
153	770	4 январь	3	душанба
154	770	24 декабрь	357	душанба
155	771	13 декабрь	346	сешанба



БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
156	*772	2 декабрь	336	чоршанба
157	773	21 ноябрь	324	жума
158	774	11 ноябрь	314	шанба
159	775	31 октябрь	303	якшанба
160	*776	19 октябрь	292	душанба
161	777	9 октябрь	281	чоршанба
162	778	28 сентябрь	270	пайшанба
163	779	17 сентябрь	259	жума
164	*780	6 сентябрь	248	шанба
165	781	26 август	237	душанба
166	782	15 август	227	сешанба
167	783	5 август	216	чоршанба
168	*784	24 июль	205	пайшанба
169	785	14 июль	194	шанба
170	786	3 июль	183	якшанба
171	787	22 июнь	172	душанба
172	*788	11 июнь	162	сешанба
173	789	31 май	150	пайшанба
174	790	20 май	139	жума
175	791	10 май	129	шанба
176	*792	28 апрель	118	якшанба
177	793	18 апрель	107	сешанба
178	794	7 апрель	96	чоршанба
179	795	27 март	85	пайшанба
180	*796	16 март	75	жума
181	797	5 март	63	якшанба
182	798	22 февраль	52	душанба
183	799	12 февраль	42	сешанба
184	*800	1 февраль	31	чоршанба
185	801	20 январь	19	жума
186	802	10 январь	9	шанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-қунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
187	802	30 декабрь	363	шанба
188	803	20 декабрь	353	якшанба
189	*804	8 декабрь	342	душанба
190	805	27 ноябрь	330	чоршанба
191	806	17 ноябрь	320	пайшанба
192	807	6 ноябрь	309	жума
193	*808	25 октябрь	298	шанба
194	809	15 октябрь	287	душанба
195	810	4 октябрь	276	сешанба
196	811	23 сентябрь	265	чоршанба
197	*812	12 сентябрь	255	пайшанба
198	813	1 сентябрь	243	шанба
199	814	22 август	233	якшанба
200	815	11 август	222	душанба
201	*816	30 июль	211	сешанба
202	817	20 июль	200	пайшанба
203	818	9 июль	189	жума
204	819	28 июнь	178	шанба
205	*820	17 июнь	168	якшанба
206	821	6 июнь	156	сешанба
207	822	27 май	146	чоршанба
208	823	16 май	135	пайшанба
209	*824	4 май	123	жума
210	825	24 апрель	113	якшанба
211	826	13 апрель	102	душанба
212	827	2 апрель	91	сешанба
213	*828	22 март	81	чоршанба
214	829	11 март	69	жума
215	830	25 февраль	58	шанба
216	831	18 февраль	48	якшанба
217	*932	7 февраль	37	душанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Мухаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг мухаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган хафта куни
218	833	27 январь	26	чоршанба
219	834	16 январь	15	пайшанба
220	835	5 январь	4	жума
221	835	26 декабрь	359	жума
222	*836	14 декабрь	347	шанба
223	837	3 декабрь	336	душанба
224	838	23 ноябрь	326	сешанба
225	839	12 ноябрь	315	чоршанба
226	*840	31 октябрь	304	пайшанба
227	841	21 октябрь	293	шанба
228	842	10 октябрь	282	якшанба
229	843	30 сентябрь	272	душанба
230	*844	18 сентябрь	261	сешанба
231	845	7 сентябрь	249	пайшанба
232	846	28 август	239	жума
233	847	17 август	228	шанба
234	*848	5 август	216	якшанба
235	849	26 июль	206	сешанба
236	850	15 июль	195	чоршанба
237	851	5 июль	185	пайшанба
238	*852	23 июнь	174	жума
239	853	12 июнь	162	якшанба
240	854	2 июнь	152	душанба
241	855	22 май	141	сешанба
242	*856	10 май	130	чоршанба
243	857	30 апрель	119	жума
244	858	19 апрель	108	шанба
245	859	8 апрель	97	якшанба
246	*860	28 март	87	душанба
247	861	17 март	75	чоршанба
248	862	7 март	65	пайшанба

БИРИНЧИ ЖАДВАЛ: Ҳижрий йил боши ва милодий йил кунлари

Ҳижрий йил	Милодий йил	Муҳаррам ойи 1-кунининг милодий йилда кириб келган санаси	Милодий йилнинг муҳаррам ойигача ўтган кунлари	Милодий йил бошланган ҳафта куни
249	863	24 февраль	54	жума
250	*864	13 февраль	44	шанба
